

ПОЭТИК ТАФАККУРДА АНЪАНА ВА ЯНГИЛАНИШ

Раъно МУЛЛАХЎЖАЕВА

ЎзРФА Алишер Навоий номидаги

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти

rano-05@list.ru

XIX асрнинг сўнги – XX асрнинг аввали халқимиз ижтимоий-маданий ҳаётидаги янги босқични бошлаб берди. Ушбу жараён XX асрнинг 90-йилларигача изчил давом этди. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, қарийб минг йилдан ортиқ ислом маданияти билан боғлиқ шаклланиб, ривожланиб, ютуқларга эришган санъат ва адабиёт янги воқелик талаби билан ўзига хос шакл ва ифода воситаларини излади, топди. Бу эса ушбу улкан даврда бадиий тафаккурнинг ҳам янгилаанишини таъминлади.

XIX аср иккинчи ярмидан XX асрнинг сўнгига қадар яратилган ўзбек шеърияти намуналарини даврлаштириш мезонлари асосида ўзаро қиёсланса, уларда бадиий тафаккурнинг қуйидаги йўналишлари бўйича янгилааниш жараёни рўй берганлиги кузатилади:

- 1) шакл ва услубдаги янгиликлар;
- 2) ғоявий йўналишдаги янгиликлар;
- 3) мавзу танлашдаги ранг-барангликлар;
- 4) поэтик интонация ва оҳанг борасидаги изланишлар.

Айни пайтда, ушбу янгилаанишлар баробарида ижтимоий-иқтисодий ва бошқа бир қатор омиллар билан боғлиқ барча даврларни боғлаб турувчи анъаналар (шакл ва мазмун, оҳанг ва ғоя кабилар) ҳам мавжуд. Лекин бу анъаналар ҳам муайян даврга мос янгилааниш босқичларидан ўтади. Ушбу улкан даврга хос яна бир жиҳат шеъриятнинг ижтимоийлашувидир. Ўтган асрнинг 80-йиллари шеърияти борасида фикр юритар экан, мунаққид Аҳмад Аъзам ўз тенгдошлари ижодида ижтимоий мазмуннинг етакчи ўринга чиқишини давр билан боғлиқ табиий ҳолат ва қонуният сифатида таъкидлаб, ёзади: “...шеърият завқ-шавқ учунгина ёхуд турмушни ўрганиш учунгина махсус ўйлаб топилган ақлий восита эмас, балки ижтимоий онг тараққиётдан қонуний тарзда юзага чиққан, инсон руҳиятининг узвий, зарурий ҳолати ва ифодасидир. У руҳнинг равшанлашган, аниқлашган, кучайган даражаси, бадиий шакл касб этган адабий кўриниши. Поэзиянинг моҳияти унинг маънодор гўзаллигида. Бу гўзаллик бевосита инсон руҳидаги ва у орқали борлиқдаги гўзалликнинг ижтимоий мазмунга йўғрилган инъикосидир. Худди шу мужассам уйғунлик ҳар қандай шеърият учун, жумладан, ёшлар поэзияси учун ҳам мезон бўлиб қолади”(1, 35).

Барча даврларда узлуксиз равишда куйланиб келинган ватан, эрк, озодлик мавзулари бу даврга келиб янада бўртиб кўринди. Эътиборли жиҳат шундаки, XX аср шеърлятида муайян даврнинг руҳи аниқ намоён бўлса-да, барча даврларга бирдек тегишли ички боғлиқлик мавжуд. Ватан мавзуси куйланган намуналарда қарийб юз йигирма йилдан ортиқ давом этган муштамлакачилик занжирларидан қутулиш, миллатни хур, озод кўриш орзу-интилишлари гоҳида очиқ-ойдин, гоҳида эса яширин тарзда ифодаланган. Бу жиҳатдан ушбу улкан даврнинг ёрқин намояндалари Чўлпон, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Давроннинг ватан мавзусидаги шеърлари ўзаро қиёслаб таҳлил этилса, бадий тафаккурнинг ушбу ижтимоий йўналишидаги тадрижийликни қай йўсинда (шакл ва мазмун, оҳанг ва ғоя кабилар) воқе бўлганлигини яқиндан кузатиш имкони туғилади. Чўлпоннинг “Юпанмоқ истаги” шеърини шу жиҳатдан таҳлил қилиш мумкин.

*Билмадим, кўнглимни юпатгай кимлар:
Богларми, тошларми ё оқар сувлар,
Ёки кишанлардан бўшалган қуллар,
Ёки севилмасдан ташланган туллар?*

*Ёки ойдин тунда кўзимни олмай,
Кўклардан юпатқич юлдуз ахтарай?
Ёки тонг чоғида “сабо” юпатгай,
Ёки ойдан томган вафосиз нурлар?(5, 18).*

Барча орзу-истаклари армонга айланиб, бир юпанч, суянч тополмаган кўнгилинг изҳори бўлмиш бу шеър қалбнинг ички изҳоридан навбатдаги семантик сатҳ – ижтимоий мазмунга кўтарилади. Айни ҳолат шеърдаги тасвирларга қўшимча рамзий маъно-мазмун юклайди. Лирик қаҳрамоннинг ушалмай сўнган орзулари, муродига етмаган истаклари биргина махбубага йўналтирилмаганлиги, балки халқнинг бой берилган эрки, озодлиги, муштақиллиги борасида сўз айтилаётганлиги ойдинлашади. Дастлабки тўртликнинг биринчи “Билмадим, кўнглимни юпатгай кимлар” мисраси бутун шеърга оҳанг, мазмун, маъно берувчи таянч мисра ҳисобланади. Аниқроғи, шеър ҳар жиҳатдан ана шу мисра асосига қурилган.

*Ўйланган ўйлар-ла кўнгил юпанмас,
Кўнгилинг истаги ўй билан қонмас.
Айталар, бу тунда ёруғ шам ёнмас,
Чақмаса гугуртни асл ўғуллар... (5,19)*

тўртлиги беради. Шоирнинг истаги юртни озодликка олиб чиқувчи куч – асл ўғлонларнинг саъй-ҳаракатида эканлиги маълум бўлади. Улар “ўчган шаъмни

ёндирса”, озошлик курашининг гулхани аланга олади. Чўлпоннинг шеъри 1922 йили ёзилган. Орадан олтмиш олти йил ўтиб, 1988 йили Хуршид Даврон ушбу шеърга назира ёзиб, дастлабки мисрасини эпиграф сифатида келтирган ва худди Чўлпондек шеърни айнан шу мисра билан бошлаган:

*Билмадим, кўнглимни юпатгай кимлар,
Дўстларми, ҳисларми ё мунглиг қизлар,
Ёки саратонда келгувчи кузлар
Ва ёки қалбимнинг дўсти – юлдузлар?(2,115).*

Хуршид Даврон шеърининг Чўлпон асари билан ҳар томонлама уйғунлигини сўнги тўртликлардаги жавоб ҳам кўрсатиб турибди:

*Ватан, деб шайланиб чиқса ўғиллар,
Жаҳолат деворин йиқса ўғиллар,
Карахтлик саройин ёқса ўғиллар,
Балки юпатгуси очилган юзлар?*

*Бу дунё қародир, у дунё ёлгон,
Ватан, деб жўшмаса томирларда қон,
Хуррият қуёши қолмагай омон,
Дилни ёритмаса ўч тўла ҳислар!(2, 116).*

Ҳар иккала шеър ўртасидаги уйғунлик уларнинг ягона оҳанги, туроғи ва гоёси билангина чегараланмайди. Шеърлардаги муштарак рамзий образлар ҳам фикримизга далилдир.

Чўлпон шеърлятида бир қанча образлар ягона рамзий мазмун касб этиб, шеърдан-шеърга ўтиб келиши кузатилади. Жумладан, “ёруғ юлдуз” образини олиб кўрайлик. Чўлпон ёзади:

*Чарчаган йўловчи йўлдан адашса,
Текис йўл қолса-да, тоғларни ошса,
Йўлни кўрсаткучи юлдуз-да қочса,
Шундай юпатгайми ялангоч чўллар?(5, 18).*

Шоир “Йўл кўрсатувчи”нинг йўқлигидан шикоят қилмоқда, “Шундай юпатгайми ялангоч чўллар?”, дея ёғийларнинг юпанч топишини ўйлаб, ўксинмоқда. Хуршид Даврон шеърида эса Чўлпон кўллаган образлар такрор келади ва улар Чўлпон шеъри замирида янгича маъно олади. Масалан, дастлабки тўртликдаги “Ва ёки қалбимнинг дўсти – юлдузлар?” мисраси ҳамда:

*Йўлдан адаштирган маёқлар сўнса,
Балки юпатгуси эркин юлдузлар?(2)*

мисраларидаги юлдуз образига сифатлаш бўлиб келаётган сўзлар Х. Давроннинг бу образга юклаган поэтик маъно қандай эканлигини аниқ кўрсатади.

Х. Давронда юлдузлар унинг “қалб дўстлари”, “юпатгуси эркин юлдузлар” дир. Чўлпондаги ёғий “яланғоч чўл” образи Х.Давронда халқни “адаштирган маёқ”қа эврилади ва шоир унинг сўнишида юпанч топишини билдиради. Ана шу ўринлар қиёси мисолида ўзбек поэзиясидаги олтмиш олти йиллик давр мобайнида бадий тафаккурнинг замон, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ тадрижий ривож аниқ намоён бўлади. Чўлпон “қизил империя” кучга тўлиб, қатағон қиличини яланғочлаб, юҳодек ўзга халқларни ютиб юборишга киришган ҳолатидаги Ватан ва халқ тақдирини тасвирлаган бўлса, Х.Даврон қизил юҳонинг кучдан кетиб, эрк бўсағасида турган халқларни кўйиб юбормасликка тиш-тирноғи билан сўнгги кучларига таяниб, қарши тураётган ҳолатида халқ озодлиги йўлида камарбаста бўлаётган авлоднинг орзу-интилишларини бадий ифодалайди.

Аслида, ҳар қандай шеър ёки асар муайян объектга йўналтирилган бўлади. Агар шеърнинг маъно кўлами биргина объект қамровида қолса, фақат шу кечинманинг ҳосиласи сифатида юзага чиқади. Аксинча, шеърнинг қамрови кенгайса, унда маъно йўналтирилган объектлар ҳам ортиб боради. Чўлпон шеърида биз илғоган объект ҳозирча иккита. Бири – муҳаббат кечинмалари қамровидаги маҳбуба бўлса, иккинчиси – аросатда қолган Ватан тақдирidir. Бу шеър бир объект чегарасидан чиқиб, кечинмалар қамрови ҳам кенгаймоқда.

Хуршид Даврон шеърида эса биринчи объект қатлами кўзга ташланмайди, яъни бу ўринда маъшуқа образи йўқ. Аксинча, социал объект биринчи планга чиққан. Адабиёт тарихидан маълумки, кўпчилик ҳолатларда биргина ижтимоий маъно сатҳида қолган шеърлар социал муаммо кун тартибидан кўтарилгач, ўз долзарблигини йўқотади. Натижада шеър ҳам биргина адабий фактлар қаторидан жой олади. Инсоний кечинмаларга йўғрилган ижтимоий мазмунли шеърни эса ана шу бирламчи кечинма адабиёт майдонида тутиб туради. Чўлпон шеъри инсоний кечинмаларга боғланганлиги билан ажралади. Хуршид Даврон шеъри биргина ижтимоий маъно сатҳида туриши билан ўз даврининг маҳсули ҳисобланади.

XX асрнинг ўттизинчи йилларига келиб, шўро ҳукумати адабиётнинг ҳам жиловини ўз кўлига олди. Адабиётга партиявийлик, синфийлик мезонлари билан ёндашувчи социалистик реализм қолипи тақалди, қатағон авжига чиқди. Айнан шу даврда (1939 йили) Ҳамид Олимжоннинг “Ўзбекистон” шеъри ёзилди. Шеърни она юртга қасида деб номлаш мумкин.

*...Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон –
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл тилга олур.*

*Чиройлидир гўё ёш келин,
Икки дарё ювар кокилин;
Қорли тоғлар турар бошида,
Гул водийлар яшнар қошида.
Чор атрофга ёйганда гилам,
Асло йўқдир бундайин кўклам... (3, 273-274).*

Чўлпон ва Хуршид Даврон шеърларига қиёс этилса, “Ўзбекистон” шеъри мазмунан иккинчи бир кутбни ташкил этади. Гўё XX асрнинг йигирманчи ва саксонинчи йиллари ижтимоий ҳаётида долзарб бўлган миллатнинг муаммолари ўттизинчи–эллигинчи йилларда йўқ бўлгандек таассурот уйғотиши мумкин. Нега истибдод ва зулм авж нуктага чиққанда шоир баланд пафосда юрт қасидасини куйламоқда? Наҳотки ўттизинчи йиллардан кейин халқнинг озодлик, мустақиллик ҳақидаги орзу-ниятлари мутлақ унутилган бўлса? Наҳотки халқнинг кўнгил оғриқлари, дил яралари шунчалик тез битган бўлса?.. Бизнинг назаримизда, бу ерда аксифода ҳодисаси воқе бўлмоқда. Аксифода шуки, “йиғисини кулгу билан кулгусини йиғи билан” куйлашдир.

Ушбу даврда халқ руҳияти, кайфияти, кечинмаларининг бир кутбдаги ифодаси юзага чиққан.

Нақл қилишларича, бир золим, босқинчи элни ғорат қилиб, аскарларига уч кунлик талаш имконини берибди. Сўнг мағлублар нима қиляпти, деб сўрабди. Улар норозилик билдиришяпти, деган жавобни олгач, яна уч кун талаш эълон қилиб, аҳволни суриштирибди. Эл йиғлаяпти, деган жавобни эшитиб, боз уч кун талашлар, деб буюрибди. Муддат ўтгач, энди аҳвол қандай, деб суриштирибди. Эл кўшиқ айтяпти дейишганида, талашни тўхтатинг, деган экан. Худди нақлда айтилганидек, Ҳ.Олимжон авлодининг бахтни куйлаши зулмнинг зўридан туғилган мевадир. Бу авлод шоирларининг ижодини оддий мезонлар билан ўлчаш янглиш хулосаларга олиб келади. Ҳамид Олимжоннинг “Ўзбекистон” шеъри ватанга беғубор муҳаббатнинг поэтик ифодаси сифатида бугуннинг ўқувчисига ҳам қалбан яқин. Бу яқинлик шоир шеъридаги чин ватанпарлик туйғуларини Чўлпон каби салафлари, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Усмон Азим каби кейинги авлод вакиллари ижодидаги ватан мавзусидаги шеърлар билан ғоявий жиҳатдан бир махражга келтиради. Ҳ.Олимжон ўз даврининг фарзанди, замондошларининг типик вакили эди. Бу авлод куйлаган бахт чуқур мазмунга эгадир. Кўриб турибмизки, бадий тафаккур тадрижида муайян мавзунинг ифода шакллари, мазмуни, оҳанг йўсини, пафос ва урғуси турлича бўлиши мумкин, лекин уларнинг ғоявий яхлитлиги сақланиб қолмоқда.

XX асрнинг олмишинчи келиб шўролар мамлакатига маълум сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар рўй берди. “Илиқлик” деб аталган даврда адабиёт, санъат

соҳасида қисман эркинликларга йўл очилди. 1937 йили ноҳақ қатағон қилинган бир қатор сиймолар оқланди. Уларнинг асарлари эълон қилина бошлади. XX асрнинг олтмишинчи йилларида адабиётга кириб келган А.Орипов, Э.Воҳидов, Р.Парфи авлоди ижодида ана шу “илиқлик” нафаси аниқ сезилади. Ҳ.Олимжоннинг 1939 йили ёзилган “Ўзбекистон” шеърідан сўнг орадан ўттиз йил ўтиб, 1969 йили Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” шеъри эълон қилинди. Ушбу асарлар нафақат номланиши, балки умумий руҳи билан ҳам яқиндир. Айни пайтда А.Орипов асари миллий ифтихор, ғурур, ўзбек халқини улуғлаш, ўтмиш аجدодлар ва шонли тарих билан фахрланиш туйғуларининг очик ифодаланганлиги билан Ҳ.Олимжон шеърідан ажралиб туради. А.Ориповнинг “Ўзбекистон” шеъри борасида кўплаб фикрларни баён этиш мумкин. Умуман, шоир ижоди олтмишинчи йиллар шеъриятининг энг юксак намуналарига хос барча ижобий жиҳатларни ўзида мужассам этганлиги билан ажралиб туради. Адабиётшунос Н. Раҳимжонов таъкидлаганидек, “бадий-эстетик тафаккур табиатига кўра, А.Орипов ижоди сўз зиммасига юкланган ижтимоий-фалсафий мазмун кўлами, миллат онги ва дунёқарашига олиб кирган эрк ғояларининг салмоғи жиҳатдан XX аср ўрталари – XXI аср бошлари шеърияти тараққиётида алоҳида босқич бўлиб қолди” (4, 50). А.Орипов қад ростлаб, чинакам шоир бўлиб етилишида Ҳ.Олимжон авлоди анъаналарининг ҳам замин бўлганлиги, бу эса ўз навбатида, ўзбек шеъриятидаги бадий тафаккур тадрижининг устувор қонуниятлари асосида кечганлигини кузатамиз. Эътиборли жиҳати шундаки, йигирманчи–саксонинчи йиллар адабиёт оламида жавлон урган тўрт авлод ижодида Ватан мавзусининг куйланиши бадий тафаккурнинг мавжуд ижтимоий воқелик билан боғлиқ ифодаланишида кўринади. Чўлпон авлоди даврида собиқ шўро давлати энди кучга кириб, халқнинг эрки, озодлик сари интилишларини турли йўллар билан тўсиб, ўз ҳукмини ўтказа бошлаган бўлса, Ҳ. Олимжон, Ойбек даврида тузум жамиятнинг барча соҳаларини ўз тизгинига олиб, тўлиқ ҳукмронликка эришган эди. XX асрнинг олтмишинчи йилларига келиб моддиюнчи империянинг таназули бошланди. Лекин у ҳали ўз кучи ва ҳукмини йўқотган эмас. Шундай бўлса-да, асоратдаги халқларнинг кўнгли тубида, “бахтиёрлик” пардасига беркиниб олган эрк умиди тарихга, маданий меросга ва бошқа ифтихор туйғусини уйғотувчи омилларга таяниб юз кўрсата бошлади. XX асрнинг саксонинчи йиллари, хусусан, “қайта қуриш” номини олган кескин ўзгаришлар даврида миллий ўзликни англаш, эрк ғояси янги куч билан майдонга чиқди. Ушбу даврларнинг маҳсули бўлмиш ижод намуналарида эса давр руҳи, ўзининг барча товланишлари билан бадий инъикосини топди. Мисол олинган тўрт авлод ижодкорлари асарлари ўзаро солиштирилса, уларни шўро ҳукмронлигининг бошланиши ва таназули (йигирманчи ва саксонинчи йиллар – Чўлпон ва Фитрат; Ш.Раҳмон, У. Азим, Х.Даврон ва бошқалар), кучга

эниш ва турғунлик (ўттизинчи ва олтмишинчи йиллар – Ойбек, Ҳ.Олимжон, Ғ.Ғулом, М.Шайхзода, Миртемир; Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи) даврлари ўртасида умумий уйғунлик кузатилади. Бу уйғунлик мавзу ва ифода усулларида ҳам кўзга ташланади. Асосий фарқ ҳар бир даврнинг воқелиги ва ватан тақдири масаласининг қандай тарихий ҳолатда эканлигини бадиий ифодалаш йўсинида кўринади.

Йигирманчи йилларда қўлдан кетаётган эрк, озодликдан қайғуриш, имконсизлик, йўлсизликдан афсус-надоматлар куйланса, саксонинчи йилларда эрк ва озодликни қўлга киритиш, халқни уйғотиш ва мустақиллик йўлига бошлаш масалалари бош мавзу бўлди. Ўттизинчи йилларда ватанни мадҳ этиш – таърифу тавсифлаш воситасида халқни ўзлигини сақлашга ундалган бўлса, олтмишинчи йилларда Ватан фахри, унинг шонли тарихи буюк сиймолари мисолида миллий ўзликни англашга чорланди. XX аср ўзбек шеърятининг ижтимоий мавзудаги намуналарида бадиий тафаккурнинг ижтимоий воқелик билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ички уйғунликлар билан намоён бўлиши ўзига хос қонуният асосида юзага чиқаётганлиги диққатга сазовордир.

Умуман олганда, XX асрнинг йигирманчи, қирқинчи, олтмишинчи йиллар авлодлари тажриба ва анъаналари саксонинчи йиллар шеърятининг навқирон вакиллари ижодий парвозига ҳар жиҳатдан замин яратди, уларнинг ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратишига илҳом ва имкон берди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аъзам Аҳмад. Масъул сўз. – Т., 1987..
2. Даврон Хуршид. Баҳордан бир кун олдин. – Т., 1997.
3. Олимжон Ҳ. Асарлар. Беш томлик. Т.1. –Т., 1970.
4. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърятини. – Т.: Фан, 2007.
5. Чўлпон. Асарлар. Уч жилдлик. 1-жилд. – Т., 1994. – Б.18.